

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
TASHKENT STATE UNIVERSITY OF THE UZBEK LANGUAGE AND
LITERATURE NAMED AFTER ALISHER NAVOI



Тошкент- 2017
Tashkent - 2017

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.—Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. III. — Б. 687.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.—Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. IV. — Б. 606.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.—Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. V. — Б.591.

Е.Ширинова,
ТошДЎТАУ катта илмий ходим-изланувчиси

БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА ИНСОН ОМИЛИ

Инсон деярли барча фанларнинг тадқиқот объекти бўлганлиги боис тилда, хусусан, банк-молия терминологиясида инсон омилини тадқиқ қилиш жараёнида аниқ тасаввурларга эга бўлиш мақсадида фалсафа, психология сингари фанларнинг хулосаларига мурожаат қилишга тўғри келади. Зеро, *“Тилшуносликдаги энг янги йўналишлар айнан унинг бошқа фанлар чорраҳасидаги “кесишув” билан узвий боғлиқ бўлиб қолмоқда”*.⁷⁸

Мазкур ҳолатда *инсон омили* деганда инсонга хос бўлган умумий хусусиятлар: унинг руҳияти, иродаси, қизиқишлари, мотивлари инобатга олинмоқда. Жумладан, тилшуносликка турли психологик категориялар ўзлаштирилиб, улар ўзаро ҳамоҳангликда тадқиқ қилинмоқда. Тилшунос А.Нурмонов таъкидлаганидек, тилшунослик илмий парадигмасига *“тил шахси”* категориясининг киритилиши илгари тилшунослик назаридан четда қолган, лекин тилшуносликка яқин бўлган фанларда қўлланиладиган шахс, онг, тафаккур, фаолият, ҳулқ, вазият сингари тушунчаларнинг ўзлаштирилишига олиб келди.

Ҳар бир индивиднинг ўзига хос жиҳатлари тил структураси, унинг қўлланилиш кўламига таъсир этиши мумкинлигини назарда тутиш лозим. Юқорида биз *“тил шахси”* тушунчасини қайд қилиб ўтган эдик. Мазкур тушунчани банк-молия терминологиясига нисбатан тадбиқ қилиб кўрамиз. Хусусан банк-молия соҳасига оид илмий адабиётлар, дарсликлар,

⁷⁸Раҳимов А. Ўзбек тилшунослиги тараққиётининг эмпирик, назарий ва метапазарий босқичлари. Тилшуносликнинг долзарб масалалари. VI китоб. -Т., 2013. —Б.69.

оммавий нашрлардаги мақолалар (матнлар)ни таҳлил қилиш жараёнида бевосита иқтисодчи шахси билан ғойибона мулоқотда бўламиз. Тил мазкур тилда сўзлашувчилар учун умумий, нутқ эса (жумладан, унинг оғзаки ва ёзма шакллари) ҳар бир индивид (сўзловчи) учун хусусий эканлигини инкор этмаган ҳолда, банк-молия соҳасига онд матнларни таҳлил қилиш жараёнида маълум бир соҳа вакилларининг нутқида ҳам умумий жиҳатлар борлиги, уларнинг ифода услуби бир-бирига яқин эканлиги маълум бўлди.

Банк-молия терминологиясида “тил шахси” масаласи кўп қиррали, чунки унинг фокус нуқтасида тилшунослар, иқтисодчилар, психологлар ва файласуфларнинг қизиқишлари ўзаро тўқнашади. Янги коммуникатив-прагматик ёндашув “*тил эгаларининг хусусий ижтимоий омиллари билан бир қаторда, вазиятли ва стилистик, шунингдек, уларнинг коммуникатив аспектларнинг иштирокчилари сифатидаги даражавий характеристикаларини*” ҳам инобатга олади.⁷⁹

Банк-молия терминологиясига тил шахси масаласини татбиқ қилиш жараёнида инсоннинг ижтимоий мавқеи (статуси) масаласига аниқлик киритиш лозим. Энг аввало, банк-молия соҳасининг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамиятига назар ташлаймиз. Шубҳасиз, мазкур соҳа давлат ички ва ташқи барқарорлигини белгилаб беради, ўзга давлатлар билан иқтисодий-ижтимоий алоқаларини мустаҳкамлайди. Демак, банк-молия ходимидан юқори интеллектуал салоҳият, кўп тилни билиш, аниқ, раво услубда ўз фикрини ифодалаш талаб этилади. Шунга мувофиқ равишда, мазкур соҳа вакилларининг ижтимоий мавқеи (статуси) ҳам юқори.

Инсоннинг ижтимоий мавқеини лингвистик нуқтаи назардан англаш муҳим.

Биринчидан, ижтимоий мавқе (статус) жамиятни бирлаштириб турувчи моддий лаҳза сифатида қатор тил бирликларининг семантикасида у ёки бу кўринишда барқарорлашган ва инсонларнинг хулқини белгилайди. Статус – норматив категория бўлиб, статусли муносабатларни таҳлил қилиш жараёнида табиий тилда кодлашган ҳолатда мавжуд бўлган жамият тузилишининг тамойилларини ўрганиш мумкин.

⁷⁹ Крысин Л.П. Русское слово свое и чужое. –М., Языки славянской культуры, 2004. – С. 81.

Иккинчидан, ижтимоий мавқе (статус) прагматик моҳиятнинг баҳо бериш, модаллик, эмотивлик, стилистик регистр сингари турли белгилар каторига кирувчи компонентиدير. Уларнинг табиати, ўзаро алоқадорлиги, танлов комбинаторикасини аниқлаш маълум даражада тилнинг прагматик жиҳатининг спецификасини аниқлаш демакдир. Инсоннинг ижтимоий мавқеи прагматика базасидаги социолингвистика ва лингвистик семантиканинг тушунчалар тизимини бирлаштирувчи мавҳум тушунчалар сирасига киради. Инсон ижтимоий мавқеини ўрганишнинг прагмалингвистик аспекти шундан иборат.⁸⁰

Банк-молия соҳаси мутахассисининг тил шахси турли ижтимоий омиллар таъсири остидаги, ўзини назорат қилувчи тизимдан иборат. Бу каби омиллар сирасига ижтимоий мавқе, олди-сотди муносабатлари, ихчамликка ва тор соҳавий доирада сўзлашишга интилиш кабилар киради.

Банк-молия терминологиясига инсон омили таъсирини таҳлил қилганда унинг ўзига хос хусусиятларини фарқлай олиш лозим. Мазкур соҳа терминологиясининг шаклланиши ва тараққий этишида объектга нисбатан тўрт томонлама субъектив таъсирни кузатиш мумкин.

Биринчидан, соҳа мутахассисининг интеллектуал салоҳияти, ижтимоий мавқеи, нутқий имкониятлари, ифода услуги соҳага доир матнларни шакллантиришда энг муҳим компонентлар саналади.

Иккинчидан, мазкур матнлар ва маълумотлар йўналтирилган шахслар, яъни соҳавий нутқ истеъмолчиларининг руҳий, нутқий имкониятлари маълум даражада таъсир кўрсатади. Буни шундай тушуниш мумкин, агар нутқ қаратилган шахс мазкур нутқни тушуна олсагина соҳавий коммуникация юз беради ва шу тариқа ахборот алмашинуви такомиллашиб боради. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда банк-молия соҳасига доир матнлар жуда илмийлашган, соҳавий терминологияда жуда кўп мураккаб, тор доирада қўлланилувчи терминлар кўпайиб кетганлиги боис “тил истеъмолчилари”нинг катта қисмида уларни тушунишда қийинчиликлар юзага келмоқда. Бунинг муҳим сабабларидан бири банк-молия терминларининг ўзбек тилидаги

⁸⁰Карпухина Н. Лексико-семантические процессы в русской терминологии товарно-денежного обращения. Дис... доктора филол. наук.- М., 2007. -С. 329-330.

изоҳли луғати мавжуд эмаслигидир. Мазкур ўринда яна бир бор терминологик ва изоҳли луғатларнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини англаш мумкин.

Учинчидан, субъектив сабаблар сирасида нутқ шакллантирилувчи макон ва замон ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, тилшунослар, луғатшунослар ҳам мазкур жараёнда маълум даражада иштирок этади. Эътибор қиламиз, маълум бир соҳага доир терминлар луғатини яратиш жараёнида муаллиф, таржимоннинг ҳам билим савияси, дунёқараши мазкур луғатда ўз ифодасини топади. Айни вақтда объектга нисбатан қайд қилинган субъектив муносабатлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш учун бевосита тўртинчи субъектив сабаб, яъни тилшуносларнинг мазкур жараёнга аралашуви тақозо этилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тилшуносликнинг замонавий парадигмаси терминологик тадқиқотларни, инсон омилини инобатга олган ҳолда, антропоцентриқ тамойил асосида олиб боришга кенг имкониятларни очиб бермоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, тилшунослик, психология, фалсафа сингари қатор фанлар захирасини янгидан-янги билимлар билан бойитишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Карпущина Н. Лексико-семантические процессы в русской терминологии товарно-денежного обращения. Дис... доктора филол. наук. – М., 2007.

2. Крысин Л. П. Русское слово свое и чужое. – М.: Языки славянской культуры, 2004.

3. Раҳимов А. Ўзбек тилшунослиги тараққиётининг эмпирик назарий ва метаназарий босқичлари. Тилшуносликнинг долзарб масалалари. VI китоб. – Т., 2013.

III. ЛЕКСИКОЛОГИЯ. ТЕРМИНОЛОГИЯ. ОНОМАСТИКА

| | |
|---|-----|
| <i>Жиянова Н.</i> Эскирган сўзларнинг қўлланилишига доир айрим мулоҳазалар | 145 |
| <i>Б.Қодирова.</i> Феъл- атвор ифодаловчи лексемаларнинг хусусиятлари | 149 |
| <i>Аҳмедов С.</i> Жиззах топонимлари номланиш асосларини ўрганишнинг аҳамияти..... | 151 |
| <i>Воутанов Е.</i> О‘lchov so‘zlar izohiga doir ba’zi mulohazalar (“Alpomish” dostoni misolida)..... | 155 |
| <i>Тошева Д.</i> Зооним компонентли мақолларда метафора | 158 |
| <i>Ширинова Е.</i> Банк-молия терминологиясида инсон омили..... | 163 |
| <i>Амирқуллова З.</i> Нуқуқiy atamalar va ularning adabiy tilda qo‘llanilish xususiyatlari | 167 |
| <i>Орипов Ў.</i> Нурота топоними этимологиясига доир айрим мулоҳазалар | 172 |
| <i>Усмонова С.</i> Қўқон шаҳри тарихий микротопонимияси тизимида шахслар исми билан боғлиқ топонимлар | 177 |

IV. СЕМАНТИКА

| | |
|--|-----|
| <i>Тўрахўжасева А., Сабурова Д.</i> Ўзбек тилида “лавозим” архисемали лексемаларнинг семантик таҳлили..... | 180 |
| <i>Djurabayeva Z.</i> Navoiy asarlarida ishlatilgan so‘zlarning ba’zi bir xususiyatlari to‘g‘risida | 183 |
| <i>Аллабердиев А.</i> Бухоро ўғуз шеваларидаги ўзлашган сўзларнинг баъзи бир семантик фарқлари..... | 185 |
| <i>Иногимова Н.</i> Иқбол Мирзо шеърларида бадий такрор ва кўчим..... | 193 |
| <i>Бозорова И.</i> “Хайвон” архисемали ўзбек ва турк мақоллари семантикаси | 197 |